

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
ITIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



TIKLANISH

1995 йил 10 июндан чика бошланган www.mf.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҲАМ МАКТАБ КАБИ

МАЖБУРИЙ БЎЛИШИ ШАРТ! 3

ТАКЛИФЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ДАВОМ ЭТМОҚДА 4

«ИСЛОҲОТЛАР
ЖАРАЁНИДА

БАРЧА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК!» 4

6

ҚИЗЛАР КАБИ
ЙИГИТЛАРНИ ҲАМ
ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ
КЕРАКМИКАН?

Дунё халқларининг туй ва маросимларини ўргансак, ўзбек туйларичалик дабдаба ва тўкинликни кўрмайсиз. Нуруний отахону онахонларимиз «Топганинг туйларга буюрсин», дея доимо дуо қилишади.

7



ҚЎҚОНДА
АРХЕОЛОГЛАР
ҚАДАМИ
ЕТМАГАН
МАНЗИЛЛАР БОР!

Жами 138 нафар ходим фаолият юритаётган бу тизимда Қўқон давлат музей қўриқхонасига 2021 йилда бюджетдан бор йўғи 2 917 580,0 сўм маблағ ажратилган, холос.



ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ ЯРАТИЛЯПТИ

Бугуннинг гапи

«Бу ҳали бошланиши. Мен Президент маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари ва вазирларга топшириқ берганман. Одамларимизни қийнаётган, аҳамиятини йўқотган тартиб ва чекловларни бекор қилиш бўйича Ишчи гуруҳи барча йўналишларда мунтазам ишлаяпти. Жойлардан тушган асосланган таклифлар ва ечимлар бўйича доимий тарзда халқимизнинг фойдасига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилиб борилади.»

Шавқат
МИРЗИЕЕВ

ИНЖИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ОСТАНАСИДАМИЗ 2



СИРДАРЁЛИКЛАР ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ
ЯРАТИЛИШИГА ИШОНЧ
БИЛДИРМОҚДА 5



«СИЗЛАР
«ОРЗУИНГИЗДАГИ
КЕЛАЖАКНИ
БАРПО
ЭТАЯПСИЗ» 4




МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ
МЕРОСНИ АСРАШ —
МУҲИМ ВАЗИФА 5



4

Жами аҳолининг 60 фоизини ташкил қилувчи ёшлар овозини барча соҳада, хусусан, конституциявий ислохотлар жараёнида ҳам эшитиш жуда муҳим.




«ЁВУЗ «ОНА»
ДАН
КУТУЛИШНИНГ
ИЛОЖИ
БОРМИ?» 6



«БИЗ БАРПО ЭТАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ, ҲАММА НАРСАДАН УСТУНДИР!»

КОНСТИТУЦИЯ

ХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҲАМ МАКТАБ КАБИ МАЖБУРИЙ БЎЛИШИ ШАРТ!



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров Мактабгача таълим вазирлиги жамоаси билан конституциявий ислохотлар мавзусида мулоқот ўтказиб, айнан ана шу фикрга ургу берди:

– Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон учун ҳаёт-мамот масаласини ҳал этаётган вазирлик. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, келажакка йўналтирилган режа, мақсад ва вазифалар тақдирини ҳам айнан ушбу тизим фаолиятига боғлиқ. Шу маънода, вазирликни стратегик келажакни ҳал қилувчи вазирлик сифатида кўриш лозим.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ҳар доим боғча болаларини миллий қадриятларга ҳурмат руҳида ўстириш, ватанпарвар авлодни тарбиялашни энг устувор вазифа деб билган. Айни пайтда Конституциямизнинг 41-моддасига ҳам бевосита партия ташаббуси билан мактабгача таълим давлат назоратида ва таъминотида бўлиши лозимлиги тўғрисида ўзгартириш киритиш таклифи этилмоқда. Акс ҳолда мактабда ҳам, олий таълимда ҳам, умуман келажакка йўналтирилган инвестициялар кутилган натижа ва самара бермайди. Мактабгача таълим ҳам мактаб каби мажбурий бўлиши ва барча болалар боғчалар томонидан қамраб олиниши лозим. Партиянинг «Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш» ғоясининг ҳаётийлиги ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган.

Худди шундай учрашув Маданият вазирлигида ҳам ташкил этилди. Унда Алишер Қодиров амалдаги Конституциянинг «Маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган 49-моддасига «Тарихий, маънавий ва маданий ёдгорликлар ҳам давлат ҳимоясидадир» деган норма қўшилаётганига эътибор қаратди. Учра-

шув давомида, Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамда Алишер Қодировлар бугунги ислохотларнинг ҳаётий эҳтиёжга айлангани хусусида гапириб, уларнинг асл моҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирда соҳа вакиллари-нинг кўшимча таклифи ва мулоҳазалари ҳам

яшаши учун давлатни иқтисодий барқарор ва мустақкам институтга айлантиришни мақсад қилгани билан ҳам ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайпти.

А. Қодировнинг таъкидлашича, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги келишув

қаратилган бўлса, 2016 йилдан инсон давлатга эмас, давлат инсонга хизмат қилиши керак деган тамойилнинг ҳаётийлиги таъминлана бошланди. Бугун давлат раҳбаридан тортиб, барча даражадаги мутасаддилар маҳалла ва ҳатто энг чекка қишлоқларга бориб, оддий одамлар дардини эши-

2016 йилдан ўзлимиз устувор, умумэтироф этилган қадриятларга ҳурмат руҳида мамлакатимизни замонавий ва рақобатбардош мамлакатга айлантиришга доир янги ўзбекистон ислохотлари бошланди.

эшитилди. Алишер Қодировнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Мустақкам эришганидан кейинги биринчи давр уйғониш, тикланиш даври сифатида эътироф этилган бўлса, 2016 йилдан кейин ўзлимиз устувор, умумэтироф этилган қадриятларга ҳурмат руҳида мамлакатимизни замонавий ва рақобатбардош мамлакатга айлантиришга доир янги Ўзбекистон ислохотлари бошланди.

Ушбу ислохотларинсонни кадрлаш билан бирга унинг фаровон

ҳисобланган олий қонун – Конституция-мизни янгича қарашлар асосида таҳрир қилиш заруратини кун тартибига киритмоқда. Яъни, айнан шу босқичда Ўзбекистонни бугунги куннинг шиддатли талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва тараққий эттиришга ҳуқуқий асос бўлган Конституция-мизни такомиллаштириш зарурати юзага келди.

Агар давлатнинг истиқлолдан кейинги асосий эътибори мустақкамликни сақлаб қолиш ва мустақкамлашга

тяпти. Энг асосийси, мавжуд муаммолар ҳаспўшланмай, аксинча, аҳолининг яхши яшаши учун нималар керак бўлса, барчаси очик-ойдин муҳокама қилиниб, уларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

– Бугунги конституциявий ислохотлар, шубҳасиз, инсонни кадрлайдиган давлат билан бир қаторда ўзини кадрлайдиган ва ўзлигини англайдиган авлоднинг шаклланишига ҳам хизмат қилаяпти, – деди Алишер Қодиров. – Шу жиҳатдан қараганда, бу жараёнда бутун



жамоатчилик, аҳолининг барча қатлами фаол иштирок этиши лозим. Чунки Конституция юқорида таъкидланганидек, давлат ва фуқаролар орасидаги аҳдлашувдир. У мамлакатимиз учун қоидалар мажмуи бўлиши ва барча қатламларни келишувига кўра, шаклланиши лозим.

Ҳар иккала учрашувда ҳам сўзга чиққанлар конституциявий ислохотларга ўз муносабатларини билдириб, уларни қўллаб-қувватлашларини таъкидладилар.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири



ЯНГИЛАНАЁТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ ЁШЛАР ИШОНЧИНИ МУСТАҚКАМЛАЯПТИ

Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларда, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида ҳам «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда. Эътиборли томони шундаки, аксарият юртдошларимиз Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг долзарблигини таъкидлаб, бундай янгиланишларни замон талаби сифатида қўллаб-қувватламоқдалар.

– Бош Қомусимизнинг 26-моддасига «Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги керак», деган норманинг киритилаётгани узоқ йиллар давомида иқтидорли, истиқболли ёшларнинг келажигига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этади, – дейди Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Болибек Сатторов. – Бу норманинг қонунчилигимизда ўз аксини топиши аҳоли орасида кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган катта бир муаммони бартараф этишнинг ҳуқуқий асосини яратади.

Ғаллаорол тумани «Булоқбоши» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда эса маҳалла фаоли Ҳабибулло Мамадалиев Конституциянинг 105-моддасида «Маҳаллалар давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмайди ва ўз ваколатлари доирасида мустақилдир. Давлат маҳаллалар фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунчиликда берил-

ган ваколатларни амалга оширишда кўмаклашади», деб белгиланаётганлигини маҳаллаларга оид сиёсатнинг янги босқичга кўтарилаётгани деб атади. Шу маҳалла фаолларидан яна бири Усмон Музаев эса Конституцияда маҳаллалар фаолият мустақкамлиги ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кўзда тутилаётганини фуқаролик жамияти курилишидаги энг катта қадам, дея баҳолади.

Жиззах шаҳридаги Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасига қарашли «MONOMARKAZ» – ишга марҳамат ўқув марказида ўтган учрашувда эса асосан ёшлар қатнашиб, Давлатимиз раҳбарининг Конституциявий Комиссия аъзолари билан учрашувидаги ёшларни қўллаб-қувватлашга доир таклифлари минг-минглаб жинззахлик ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустақкамлаганини таъкидладилар.

Бекзод ШОНАЗАРОВ,
Марказий кенгаш
бўлим бошлиғи

Умида РАҲМОНОВА:

«ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

«БАРЧА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умида Раҳмонова партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Маҳсуд Муҳаммедов бошчилигида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш юзасидан партия вилоят, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, депутатлар, уларнинг доимий комиссиялари аъзолари ҳамда партия гуруҳлари фаоллари билан «ZOOM» иловаси орқали учрашув ўтказди.

Унда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, мазкур қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича кўриладиган ташкилий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шундан сўнг, Когон шаҳар ҳокимлиги биносида Умида Раҳмонова қонун лойиҳасининг тарғиботи бўйича тадбир ташкил этди. – Албатта, жамиятнинг ривожланишида устун бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат бу конституция, – деди депутат. – Бугун юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ривожланиш, юксалишлар давом этаётган бир вақтда Бош Қомусимизни ҳам такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Йиғилишда қайд этилганидек, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича кенг жамоатчилик томонидан жами 50 мингдан ортиқ таклифлар юборилган.

Ушбу таклифларда «инсон – жамият – давлат» тамойили асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини юксалтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим, илм-фан соҳаларини тараққий эттириш, хусусий мулк дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг родини ошириш, оила институтини ривожлантириш, бой тарихий ва маданий меросимизни муносиб сақлаб қолиш, экологик ҳуқуқлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Учрашув давомида аҳоли томонидан конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш, умумхалқ муҳокамаси жараёнларини самарали ўтказиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА



✓ Муносабат



Мьюша СЕВЕР,
«Минтақавий мулоқот»
халқаро ноҳукумат
ташкилоти директори:

– Менимча, Ўзбекистон муҳим бир даврни бошдан кечиряпти. Мен мазкур даврни имкониятлар эшиги деб атаган бўлардим. Сабаби, сизлар орзуингиздаги келажакни барпо этаяпсиз. Президент ва унинг атрофидаги раҳбарлар мамлакат келажагини оид нозик масалаларни кўтаришмоқда. Негаки, Янги Ўзбекистоннинг ўзаги айнан Конституцияда акс эттирилиши лозим. Мен Ўзбекистонни доим улкан

салоҳиятга эга давлат сифатида қабул қилганман. Одатда Конституцияга қўшимчалар киритиш жараёни, тор доирадаги мутахассислар иштирокида амалга оширилади. Ўзбекистонлик фуқаролар томонидан қолдирилаётган фикр-мулоҳазаларни кўриб очиги, ҳайратландим. Мен бундай ёндашувни қадрлайман ва ҳурмат қиламан. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича

комиссиясининг бир аъзоси, мамлакат энди бошқа давлатларга ҳам ўрнак бўла олади. Ўзбекистон Президенти ўз вазифасига киришган кунларидан бошлаб мамлакатнинг ташқи сиёсати ўзгарди. Қўшни давлатлар билан муносабат яхшиланди. Мен минтақадаги барча давлатларда бўлганман ва айтишим мумкинки, Ўзбекистон ўзига хос кўшничилик алоқаларига эга. Дипломатларингиз

доимо фаол. Мен бошқа ўлкаларга ташриф буюрганимда Ўзбекистонни халқаро аренада яхши янгилик, дея тасвирлайман. Бундай эътироф ортида катта масъулият ҳам ётади. Сиз минтақадаги бошқа давлатларни ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка, шундай дўстона алоқаларни шакллантиришга чорлашингиз керак. Ўзбекистон танлаган йўл мени ҳайратлантиради. Дунёнинг бошқа нукталаридаги

мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Канада, Европа иттифоқи давлатларини Ўзбекистон илгари сураётган қоидаларга қулоқ солишини хоҳлайман. Фикрларим фақат ижобий, негаки, юртингиз тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлида муҳим ишларни бажаряпти. Ўзбекистон дини ва ирқи, келиб чиқишидан қатъий назар барча жамият аъзоларини қабул қиладиган дунёдаги санокли давлатлардан бирига айланмоқда.



Грегори КОПЛИ,
Халқаро тадқиқотлар
ассоциацияси
президенти:

– Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон келажаги учун жуда зарур. Унинг Марказий Осиёда шундай муҳим паллада мамлакатдаги конституциявий ислоҳотларни давом эттириши катта жасорат. Масалан, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги таклиф, Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтказилиши, буларнинг барчаси мамлакатнинг халқаро ҳамжамият билан муносабатларини осонлаштиради. Ўзбекистон халқи ҳаёти ва демократиясини янада яхшилашга хизмат қилади. Бу муҳим қадамдир.



Шахноза ЖОЛДАСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси:

– Жами аҳолининг 60 фоизини ташкил қилувчи ёшлар овозини барча соҳада, хусусан, конститутциявий ислоҳотлар жараёнида ҳам эшитиш жуда муҳим. Бош Қонунимиз бутун халқимиз, албатта, ёшлар келажагини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. 20-30 йилдан кейин бу бизнинг манфаатларимизга хизмат қиладиган қонун бўлгани учун ҳам биз ёшлар, айниқса, Ёшлар парламенти бу жараёнга жуда ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Шу ўринда Давлатимиз раҳбари томонидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда ҳам Ёшлар парламенти томонидан таклифлар берилаётгани алоҳида эътироф этилдики, бу бизга тўғриси, ишонч берди. Президентимиз аҳолининг ҳар бир

фуқарони ичидаги дардини, муаммосини, қийнаётган масалаларни қанчалик чуқур англаётганларини тушундим. Президентимизнинг ўша учрашувда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги ташаббуслари эса биз – ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни яна ҳам мустаҳкамлади. Юртбошимиз, шунингдек, иқтидорли ёшлар давлат ҳимоясида бўлиши лозимлиги масаласини ҳам кўтардилар. Бу эса ҳуқуқларимизнинг узоқ истиқболли этиб белгилаб қўйилганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам бугун Ўзбекистон ёшлари айни масалага «Менинг Конституциям», «Менинг давлатим», «Менинг қарорим» нуктаи назардан ёндашишяпти.

✓ Вазиятга назар

ТАКЛИФЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Фарғонада ҳам Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар бўйича Қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Бугун Фарғонада ҳам халқни рози қилиш, халқ дарди билан яшаш ҳар бир партиядошимиз учун бирламчи вазифага айлангани аққол кўзга ташланмоқда. Таъкидлаш жоизки, «Миллий тикланиш» демократик партияси Фарғона вилоят кенгашидан вилоят, шаҳар ва туманларга 132 нафар депутат сайланган бўлиб, шу кунга қадар улар аҳолининг 100 дан ортиқ таклифларини Конституциявий комиссияга тақдим этишган. Айни кунларда Конституциямиз моддаларига киритилаётган ўзгартишларда асосий эътибор таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, оила, уй-жой, ер ресурслари, ижтимоий ҳимоя, халқ депутатлари кенгашларининг ваколатлари, маҳалла раислари ҳамда уларнинг ваколатларига қаратилаяпти дейиш мумкин. Энг муҳими, ушбу таклифлар қуйидан, яъни оддий одамлардан чиқяпти ва ислоҳотлар партиямиз хайрихоҳлари томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Алишер АРИПОВ,
Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси
масъул ходими

✓ Кутинг!



ВИЛОЯТ
КЕНГАШИНИНГ
ЎФИРЛИК
ҚИЛГАН РАИСИ
БИЛАН ИККИ
КУН!

Келгуси сонларда



Азиза Матқурбонова
фарзандларнинг таълим-тарбияси
учун биринчи навбатда ота-
оналар масъул бўлиши керак,
деган таклиф маъқулланаётганини
қўллаб-қувватлади.



СИРДАРЁЛИКЛАР ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ ЯРАТИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРМОҚДА

- ✓ Давлат тилини бузганлик учун жазо чоралари кучайтирилиши керак.
- ✓ Боланинг таълим-тарбияси эмас, саломатлиги учун ҳам ота-она масъул бўлиши шарт.
- ✓ Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид модда киритилмас экан, Бош Қомусимиз мукамал бўлмайди.
- ✓ Конституциянинг 125-моддасига ўзгартиш киритиш орқали қизларни ҳам ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга жалб қилишга оид модда киритилсин.
- ✓ Аёллар учун мослаштирилган иш соатлари белгиланиши лозим.
- ✓ Президент фармонлари, қарорлари улар эълон қилинган кундан кучга кириши таъминлансин...

Шу ва шу каби таклифлар Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджанова бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Конституциявий ислоҳотлар мавзусида ўтказилган тадбирларда билдирилди.

Вилоятнинг Сайхунобод туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган дастлабки учрашувда асосан уй бекалари иштирок этдилар. Улар томонидан билдирилган таклифлар Конституциянинг «Оила» бобига белгиланган моддаларга тааллуқли бўлди.

Жумладан, оиланинг иқтисодий даромадидан қатъий назар, кўп болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 ёшгача бўлган фарзандлар учун бола пули тайинлаш, уюлмаган аёлларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг

унинг Янгиер шаҳридаги филиали бўлди. Учрашувда олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари томонидан конституциявий ислоҳотлар қўллаб-қувватланиб, 60 га яқин таклифлар билдирилди.

Жумладан, олийгоҳнинг 1-босқич талабаси Даврон Баҳринов имконияти чекланган иқтидорли ёшлар учун қўшимча имтиёзлар кўзда тутилаётганини маъқуллаб, ижтимоий тармоқлардаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазо чоралари белгиланишига оид таклиф киритди. 1-босқич талабаси Лайло Юсупова эса хусусий ҳамда давлат шерикчилиги асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти давлат томонидан назоратга олинишига оид модда киритиш мўҳим эканини таъкидлади. Азиза Матқурбонова эса Конституциянинг 41-моддасига ўзгартиш киритиш, яъни фарзандларнинг таълим-тарбияси учун биринчи навбатда ота-оналарни масъул қилиш керак, деган таклиф маъқулланаётганини қўллаб-қувватлади.

Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасида ўтган учрашувда ҳам чиндан Бош Қомусимизни такомиллаштириш даври келгани таъкидланиб, 10 га яқин таклифлар билдирилди. Жумладан, шифокор Мукамалхон Латипова шундай таклиф киритди:

– Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда бола саломатлиги учун ота-она масъул этиб белгиланган. Лекин бу норма ишламайди. Айрим ота-оналар бетоб фарзандини ўз вақтида шифокорга кўрсатмайди. Боласини даволашдан кўра, ўзига янги кўйлак сотиб олишни афзал қуради. Оқибатда од-

дийгина ОРВИ касаллиги ҳам сурункали хасталикка айланиб кетади. Уларнинг эътиборсизлиги туфайли бетоб фарзанди билан оғир оқибатлар юзга келганда, шифокорнинг ёқасидан олишади. Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида Конституцияга боланинг таълим-тарбияси учунгина эмас, унинг саломатлиги учун ҳам биринчи навбатда ота-онани масъул этиб белгилашга оид модда киритилиши лозим.

Абдумўмин Давлатов эса шифокорларнинг дахлсизлигини таъминлашга, 3-Оилавий поликлиника мудир Мақсуда Қурбонова узоқ йиллар самарали меҳнат қилган тиббиёт ходимларининг дам олиш масканларида йилда бир марта ба бепул дам олишлари учун қўшимча имтиёзлар ажратилишига оид таклифларни билдирди.

Вилоятнинг Боёвут туманидаги 36-мактабда, Сардоба туманидаги Болалар муסיқа ва санъат мактабида маҳалла аҳли, фаоллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотлар ҳам қизгин баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Партия раиси ўринбосари Ф.Муҳаммаджанова йиғилганларга конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳақида атрофлича маълумот бериб, айни пайтда халқ муҳокамасига киритиладиган лойиҳада фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидлади. Ширин шаҳридаги тикувчилик фабрикаси ишчилари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам Конституциявий ислоҳотлар қўллаб-қувватланиб, Бош Қомусимизнинг чиндан ҳам Халқ Конституциясига айланишига ишонч билдирилди.

ОЛИЙГОҲНИНГ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАРИ ТОМОНИДАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНИБ, 60 ГА ЯҚИН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ.

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқлари бузилган тақдирда қонун доирасида жазо чораларини кўриш тартибини белгилаб қўйишга оид таклифлар шулар жумласидандир.

Ишчи гуруҳининг навбатдаги манзили Гулистон давлат университети ҳамда

Наргис ҲАМИДОВА,
Уқувларни ташкил этиш ва услубий таъминот сектор мудир

«Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар бўйича қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек, Олмазор ва Яққасарой туманлари аҳолиси билан юзма-юз мулоқотлар жараёнида билдирилаётган таклифлар ёзиб олиниб, Конституциявий комиссияга етказилди. Таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси муҳокамасида унга киритилаётган қоидалар, нормалар мазмун-моҳияти борасидаги барча фикр-мулоҳазаларда жамиятда демократик тамойилларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани, асосий эътибор тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатига қаратилаётгани қўллаб-қувватланапти. Шунингдек, ривожланишнинг асоси – бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолига қулай шароитлар яратиш билан боғлиқ эканлиги, киритилаётган ўзгартишларда айнан шу жиҳат эътиборга олинаётганлиги таъкидланди.



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Янги Ўзбекистоннинг конституциявий ислоҳотларини ўтмиш аъналаридан ажратиб бўлмайди, чунки у миллионлаб одамларнинг кундалик ҳаётини акс эттиради ҳамда бир неча авлодлар учун мақсадлар, вазифалар ва хулқ-атвор тамойилларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида фуқароларнинг бурчларидан бири сифатида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш белгиланган. Шунингдек, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида таъкидланган. Мамлакатимизда 2017 йилдан туризмни иқтисодиётнинг стратегик секторига айланганлиги ҳамда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, мазкур моддага маълум ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Аввало, ушбу меросдан фойдаланувчилар нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, балки сайёҳлар – хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда кўп фуқароликка эга бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, бу моддада келтирилган «фуқаролар» атамасини «шахслар» сўзи билан алмаштириш тавсия этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1996 йилда ратификация қилинган «Жаҳон маданий ва экологик меросини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Конвенцияга кўра, туризм манзилларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган – тарихий ва экологик мерос жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳофаза этилади. Мазкур халқаро норманинг ижроси Янги Ўзбекистон

Тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадида туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мамлакатимизнинг 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат Дастурини қабул қилиш билан яна бир бора мустаҳкамланди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилотининг 2017 йилда имзоланган «Туризм этикаси тўғрисида» ги ҳадли Конвенцияси – табиий ва маданий меросни туризмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳамда туризмни ривожлантириш натижасида юзга келиши мумкин бўлган бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишда халқаро-ҳуқуқий стандартларни жорий этишга асос яратади. Юқоридагилар асосида тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларидан фойдаланувчиларнинг атроф табиий муҳитга ҳамда давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларига зарар етишини олдини олиш орқали уларнинг келажақ авлодга етказилиши давлат томонидан кафолатланишининг Асосий Қонунимизга киритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Сурайё УСМАНОВА,
ЖИДУ доценти, юридик фанлар
фалсафа доктори
ЎзА

ҚИЗЛАР КАБИ ЙИГИТЛАРНИ ҲАМ

ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАКМИКАН?



Дунё халқларининг никоҳ ва маросимларини ўргансак, ўзбек тўйларичалик дабдабаю тўкинликни кўрмайсиз. Нуроний отахону онахонларимиз «Топганинг тўйларга буюрсин», дея доимо дуо қилишади. Топганимизни тўйга сарфлаш қон-қонимизга сингиб кетганидек, дабдаба, ким ўзардан ҳам асло қутула олмаяпмиз.

Мақсад битта: тўй – тўйдек бўлиши, етти маҳалла эшитиб, ҳамманинг оғзи очилиши керак. Мусиқачию, хонандлар алмашавериш, тўйхонани қиздирсин! Куёв тўйхонага гижинглаган отда кириб келсин. Келин баландликдан арғимчоқда тушсин. Ҳатто дастурхон устида тирик балиқлар сузиб юришсин. Пул сочиш маросими тугамаслигини иста-япмиз. Ярим яланғоч кийинган келин ва унинг дугоналари эса вальсга тушиб, тўйни ғарбона шоуга, иложи бўлса гала концертга айлантирсак. Мана бизнинг замонавий-лашиб бораётган тўйларимиз таърифи. Энг қизиғи, тўйни замонавий, ғарбона қиламиз, тўйдан кейин миллийлигимизни, пеш қилавериш, келинни хуноб қиламиз. Аксарият қайноналар келин учун ўзлари бузган қоидаларни ўрнатмоқчи

бўлишади ёки янгиларини ўйлаб топишади. Ёш келин «хўп» десаку, олам гулистон. Акси бўлса, ҳали фарзандли бўлишга улгурмай ёш оила барбод бўлади. Кейинги пайтларда айрим оилаларда аёллар (айниқса, ёш келин)га керагидан ортиқ талаб ҳам қўяётгандекмиз. Ҳатто ҳомиладор келинга кўнгли истаган егулигини олиб бериш у ёқда турсин, «нафисига ўт тушсин», дея нонни қулфлаб қўядиган қайнона-қайноналарни учратаямиз. Қузатувларимиз давомида ажримларнинг кўпайиб кетаётгани ва аксарият ҳолларда бунга мўйсафид отахону онахонларнинг сабаб бўлаётганини кўриб, «нега?, наҳотки?» деган саволларга жавоб топа олмай-миз. Ҳар қадамда учраётган қайнона-келин, қайнисингил – келин можаролари ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади.

Статистика маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 2022 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 20 мингдан ортиқ ажралиш қайд этилган.

этилганини унчалар катта бўлмаган муаммодек қабул қиляпмиз. Афсуски, ярим етим қолган фарзандлар тақдири ҳақида қайғуриш кўп оталарнинг ҳаёлига ҳам келмаяпти. Яхшиямки, ҳукуватимиз томонидан ажрим натижасида аро йўлда қолаётган болалар тақдирини ўйлаб «Алимент фонди» ташкил қилинди. Шу ўринда савол туғилади, нега биз фақат қизларимизни турмушга тайёрлаяпмизу ўғилларимиз онгу шуурига оила муқаддаслигини сингдиришни унутамиз? Гўёки аёл киши яхши тарбия кўриши оиланинг мукамал бўлишига кифоя қиладигандек. Агар биз ёш йигитларимизни ҳам тўғри тарбиялай олганимизда эди, аёлларимизга қўл кўтарадиган, ҳомилардор аёлига овқат бермай соватгични қулфлаб қўйгани эркаклардан азият чекиб ўтирмаган

бўлардик. Тўғри, ажримлар сонини буткул йўқотиб бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, фарзандларимизни молу дунёга эмас, илмга муҳаббатли қилиш, сеп-сидирғалар қаторига бир қатор китобларни ҳам кўшиш, қизу ўғилга ўз вазифаларини тўғри тушунтира олиш, уйимизга келган келинга ўғай кўз билан қараб, унга қулдек муомала қилиш, хато эканини бу дунёда инсондан фақат эзгулик қолишини фарзандлар оғнига чуқур сингдириш орқалигина ажримларни камайитириш мумкин, холос.

Нодира КАРИМОВА,
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи



✓ Огоҳ бўлайлик!

ЁВУЗ «ОНА» ДАН ҚУТУЛИШНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?

– Ойи мен PUBG («пабжи») дан «тақиқ қилиндим», энди кўнглингиз жойига тушгандир», – деди ўғлим бироз ўқиниб. – Нега «тақиқ» қўйишди, – дедим ич-ичимдан суюнганимни билинтирмай. – Хато қилиб, ўйин қоидаларини бузиб қўйдим. – Энди нима бўлади... – Энди бошқа аккаунт очаман...

Қувончим узоққа чўзилмади. Яна асабларим бузилди. Узимни зўрга босдим: – Қўй ўғлим, шу ўйинингни қайта ўйнамай қўяқол, бу кетишда кўзинг гилай бўлиб ҳам қолади. Ўғлим мени эшитмади. Гўё унинг онги остида жойлашиб олган бошқа бир «она» унга «ҳозироқ бошқа аккаунт очиб кир», дея буйруқ бераётгандек телефонини титкилаганича хонасига кириб кетди. Афсуски, бугун ўғлим сингари балоғат ёшидаги ўғил-қизларнинг севишли ўйинига айланиб қолган PUBG фарзандларимизни ўз домига тобора чуқурроқ тортипти. Мен каби оналар эса фарзандини унинг домидан тортиб олиш учун не-не усулларни қўлламаяпти, бирда жаҳл, бирда меҳр билан... Аммо бефойда... Яширмайман, ўғлим бўш қолди дегунча шу ўйинни ўйнай бошлайди. Баъзан ўртоқлари, синфдошлари билан гуруҳ бўлиб ўйнашади. Бу гуруҳда

қиз болалар ҳам бор. Тўғри, балки мен ёшлар тили билан айтганда «замонавий»ликдан йироқдадирман. Лекин ўйин шартли ва қоидалари билан танишиб билдимки, бу каби жангари ўйинлар болада жаззакчилик, тажовузкорликни шакллантиряпти. terabayt.uz сайтида берилишича: PUBG (PlayerUnknown's BattleGrounds) ҳозирда энг оммалашаётган видео-ўйинлардан бири бўлиб, унинг дастурчиси PUBG корпорацияси бўлиб, ўйинни ишлаб чиқарувчи PUBG корпорацияси (компьютер ва PS4) ва дизайнер Брендан Грин экан. Айтиш мумкинки, 2017 йилда оммага «тақдим этилган» «пабжи»нинг геймерлари тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, Android ва iOS талқини чиқарилиши билан мухлислари сони янада ортди. Маълумотларда келтирилишича, ўйин яратувчиси ва гоа муаллифи ирландиялик Брендан Гринга «Оч ўйинлар» китобларини

ўқиб, янги ўйин яратиш фикри келган. Уша даврда у дастурлашдан бутунлай беҳабар бўлсада, айнан «PUBG»ни яратиш учун ушбу соҳага жиддий киришган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, «PUBG»нинг тўлиқ шакли «PlayerUnknown's BattleGrounds» («номаълум ўйинчининг жанг майдони») деб изоҳланади. Гарчи ўйин номи бироз тушунарсиз бўлса-да, лекин бунинг ўзига хос сабаби бор. Дизайнер Гриннинг ўзи ҳам ўйинлар ишқибози бўлган. Ўйинларда эса у ўзига «PlayerUnknown» (номаълум ўйинчи) номини танлагани бос, ўзи яратган ўйинга ҳам шу номи берган экан. Бир сўз билан айтганда, PUBG кейинги пайтларда энг кўп ўйналадиган ўйинлар бўйича жаҳон рекордини ўрнатиб келмоқда. Агар ўйинда гирромлик қилсангиз, 10 йиллик тақиқ берилар экан. Шунинг учунми «пабжи» ишқибозлари

диққатини бўлмаслик учун кўп ҳолларда ўз хонасига қамалиб оладилар. Атрофдан узилиб, фақат шу ўйин билан машғул бўлишади. – Синфимдаги баъзи болалар (мактабда овқатланаман ёки устозим чақирдилар деб) ота-онасидан пул олишаркану дарсдан кейин ёки дарсга кирмасдан интернет кафеларда айнан шу ўйинни ўйнашаркан, – дейди Зангиота туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Нодира Атажанова. – Бу ҳолат кўпроқ тўқ оилалар фарзандларида кузатиламоқда. Билишимча, ўйин онлайн телефон орқали ўйналганда баъзи пуллик тўловлар ҳам амалга оширилади. – Утган ҳафта ижтимоий тармоқда: ҳиндистонлик 17 ёшли бола онасининг PUBG ўйнашига ҳалал бергани учун отасига тегишли бўлган тўппонча билан уни отиб, жасадни уй хоналаридан бирида яшириб қўйгани ҳақида хабар тарқалди. Энг ёмони, хиди

чиқмаслиги учун эса хонага спрей селганмиш... Хўш, бундай ўйинлар бизда ҳам авж олиб, оғир оқибатларга олиб келмаслигига қафолат борми? Йўқ, албатта. Бас шундай экан, онг остига ўрнашиб олган «ёвуз» ўйиннинг болаларимизнинг бебаҳо вақти ва боалик дунёқарашларига раҳна солишининг олдини олиш учун қонуний чоралар кўриш вақти келди, деб ҳисоблайман. Қайд этилишича, PUBG ўйини бола характери ни агрессивлаштиради, кўз нурига, ақлий қобилиятига салбий таъсир қилади. Ушбу ўйин туфайли болаларимиз ёлғон гапиришга, аввало, ота-она ва жамоатчиликдан жуда катта масъулиятни талаб этади. Бундан хулоса чиқариш ҳар дақиқа қимматга тушаётганини англаш лозим.

Вилоят ШОДИЕВА,
журналист

✓ Тақдимот

«Инсон қадри» онлайн платформаси тақдимоти ўтказилди

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Инсон қадри» онлайн платформаси тақдимоти, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги вилоят Кенгаши депутатлари, бошқарма ва идора-

лар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, тадбирда «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Элдор Туляков томонидан Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурларининг жойлардаги ижроси натижаларини кенг аҳоли қатламига етказиб бериш ҳамда унинг

ижросида бевосита аҳоли иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Инсон қадри» онлайн платформасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот давомида марказ раҳбари томонидан порталнинг ишлаш механизми ва ундан қўлланаётган натижалар ёритиб берилди. Тадбир иштирокчилари томонидан мазкур қонун лойиҳаси айти кунда кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокамадан ўтказилаётгани, Консти-

туцияни такомиллаштиришга доир таклифларда фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқларини конституциявий жиҳатдан кафолатлашни кучайтиришга, оила институтини мустаҳкамлашга, инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатлашга қаратилган нормалар киритилаётганлиги таъкидланди.

Шухрат СУЯРОВ, ЎЗА



МУАММО БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

2006

-2009 илларга келибгина қазилган ишлари олиб борилиб, шаҳар ёши 2000 йил экани аниқланди. Бироқ минг афсуски, қазилган ишлари якунига етказилмай қолиб кетди.



Қўқонда

АРХЕОЛОГЛАР ҚАДАМИ ЕТМАГАН МАНЗИЛЛАР БОР!

Хўш, нега латиф шаҳарда тарихга ўғай муносабатда бўлинмоқда?

Маълумки, XVII асрнинг охири XVIII аср бошларида Аштархонийларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тушқунлик, Фарғона водийси иқтисодий мустақиллигининг ўсиши ҳамда 1704 йилда Чо-дак хўжаларининг исён кўтариб, Фарғонанинг бир қисмини эгаллаб олиши натижасида Қўқон хонлигига асос солинади. Бу борадаги муҳим маълумотлар бир қатор тарихий манбаларда келтирилган бўлса, Қўқоннинг чинакам ўтмишини ушбу ҳудудда сақланаётган музейлар ўзида акс эттирмоқда. Манбаларда қайд этилишича, музейларнинг пайдо бўлиши олис тарихга бориб тақалади. Дастлаб, табиат ва ижтимоий ҳаётдан олинган асл буюмлар моддий бойлик сифатида эмас, балки мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли асл буюм сифатида сақлана бошланган. Шу ўринда Ўзбекистонда музейлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этила бошланиши Европада эса бу жараён буюк географик кашфиётлар амалга ошаётган давр – Уйғонув даврига тўғри келишини айтиш жоиз.

Музейлар ва уларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ҳақида гап кетганида ёш авлод кўз ўнгиде тарихни гавдалантириш, мустақил ўрганишлари учун энг муҳим манба саналган музейларда ташкил этилган экскурсиялар ёшлар маънавиятини шакллантириш,

уларни тарихимизга бўлган ҳурматини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аини пайтда Республикамиздаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир қатор ислохотлар амалга оширилётгани музейлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, аини пайтда Қўқон шаҳрида мавжуд Қўқон давлат музей-қўриқхонаси, Буюк алломулар Амалий санъат музейи, Муқимий хўжра-музейи, Ҳамза уй-музейи, Адабиёт музейи, Нобўтабек мадрасаси, Дастурхончи мадрасаси, Тераққон археологик ёдгорлиги, Модарихон даҳмасидаги музейларида жами 59 396 та тарихий ашёлар сақланаётган бўлса, шундан 47 815 таси асосий фонд, 11 581 таси илмий ёрдамчи фонддаги ашёлар ҳисобланади. Уларнинг 2246 таси таъмирталаб аҳволда эканини ҳам ёдда тутиш лозим. Аини пайтда музей ашёларининг 2429 тасигина экспозицияга қўйилган. Шунингдек, Қўқонда мавжуд 10 та музейдан 5 таси – Қўқон давлат музей қўриқхонаси, Адабиёт музейи, Тераққон археологик ёдгорлиги, Нобўтабек мадрасаси, Дастурхончи мадрасаси реконструкция қилиш ва жиҳозлашга муҳтож эканини қайд этишимиз керак.

Сир эмаски, Қўқон шаҳри

археологик жиҳатдан энг кам ўрганилган шаҳарлар сирасига кирди. Мустақилликкача бўлган даврда шаҳарда умуман қазилган ишлари ўтказилмаган. 2006-2009 йилларга келибгина қазилган ишлари олиб борилиб, шаҳар ёши 2000 йил экани аниқланди. Бироқ минг афсуски, қазилган ишлари якунига етказилмай қолиб кетди. Айтмоқчимизки, ҳали Қўқонда археологлар қадами етмаган қанчадан-қанча қадимий манзиллар бор.

Бугунга келиб, Қўқон шаҳри Туркий тилли давлатлар туризм пойтахти, Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг доимий саҳнасига айланди. Бинобарин, шаҳар жаҳон ҳамжамиятида Урта Осиёдаги туризм масканларидан бири сифатида эътиҳор ҳам этилди. Шундай экан биз шаҳар тарихини ўрганишга чуқурроқ ёндашишимиз, самарали археологик ўрганиш ишлар олиб боришимиз керак.

Бунинг учун эса дастлаб, Ўзбекистон Археология институти ҳузуридаги «Қўқон» экспедицияси қайта шакллантирилиб, археологик тадқиқотлар давом эттирилса, Қўқон тарихига оид тарихий экспонатлар сони ортишига хизмат қилган бўларди. Бундан ташқари, музейларда қўллаб археология материаллари мавжуд бўлса, уларни таҳлил қилиш, илмий муомалага киритиш учун мутахассис археолог

штати жорий этилмаган. Музей жойлашган Худоберхон ўрдасининг катта қисми эса турли сабабларга кўра бузиб ташланган. Унинг «Давлатхона» қисмидагина атиги 19 та хона сақланиб қолган. Бу жойлар ҳам бир қанча ўзгаришларга учраган. Музейга келган меҳмонлар ўрданинг ҳолати яхши эмаслигидан, ҳеч бўлмаса сақланиб қолган қисми асл ҳолатига келтирилмаётганидан ҳақли равишда ранжимоқдалар. Гарчи мутахассислар бу борада ҳам бир неча бор мутасадди идораларга мурожаат қилган бўлсаларда, бирор амалий ҳаракат сезилмаяпти. Ҳозирги пайтда Худоберхон ўрдасида Қўқон давлат музей қўриқхонаси жойлашган бўлиб, экспозициялар ўлкашунослик характерига эга. Тўғри, шаҳар учун ўлкашунослик музейи ҳам зарур. Бироқ мутахассислар кенг Худоберхон ўрдасидек ноёб бинога ўлкашунослик музейи тўғри келмаслигини эътироф этишмоқда.

Шу асосда Худоберхон ўрдасида Қўқон хонлиги музейи ва унинг экспозициясини ташкил этиш тақлифи илгари сурилмоқда. Музей илмий ходимлари томонидан Қўқон хонлиги тарихи экспозициясининг концепцияси ва мавзувий режаси тайёрланган. Экспозициянинг лойиҳаси ҳам аллақачон дизайнер мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Бошқача айтганда, етарлича маблағ ажратилса

ва ўлкашунослик музейи кўчирилса, хонлик экспозициясини яратиш мумкин бўлади. Жами 138 нафар ходим фаолият юритаётган бу тизимда Қўқон давлат музей қўриқхонасига 2021 йилда бюджетдан бор йўғи 2 917 580,0 сўм маблағ ажратилган, холос.

Мухтасар айтганда, қўқонликлар ва Қўқоннинг асл тарихига қизиқиш билдираётган минг-минглаб мухлислар жонли тарихни ўз бағрида мужассам этган музейларда қулай шароитлар яратиш, ўрганилмаган археологик ҳудудларни ўрганиш орқали ноёб, қадимий, тарихий аҳамиятга молик ашёлар сонини кўпайтириш борасида амалий ҳаракат бошланишини кутмоқдалар. Тўғри, давлат бюджетини эртага ярим чақалик аҳамият қилмайдиган тадбирларга, бугун қурилиб, эртага билмай қуриб қўйибмиз, дея бузиб ташланадиган миллиардлар ажратилапти. Бу кимгадир фойда келтириши мумкин. Аммо музейлар она тарихимиз, келажакка муносабатимиз эканини бир лаҳза бўлса-да, унутмаслик керак. Зеро, вақтни бой бериб, ёшларимизни тарихнинг очик кўзгусига боқиб, аждодлари ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиш имкониятидан мосуво этмайлик!

Умид АРСЛОНБЕКОВ



ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРГА ХОРИЖДА ЎҚИШ УЧУН ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ

Мақтабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш турли йўналишлардаги иқтидор эгаларининг юзага чиқишида муҳим омилидир. Ёшларга имконият яратиш ва уларнинг истеъдодини, интилишларини рағбатлантириш уларнинг билим ва салоҳиятини оширишга замин бўлади, иқтидор эгаларининг қобилиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби томонидан келажакимиз эгалари бўлган ёш авлод вакилларини қўллаб-қувватлашга, уларга зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Яқинда аини шу мақсадда Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби ҳамда «Шарқ аёли» Халқаро Хотин-қизлар жамоат фонди ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Мазкур келишувда бир қатор мақсад-вазифалар ўз аксини топган. Жумладан, шартномага мувофиқ, тўғари аҳолининг Россия Федерациясининг Волга давлат технология университетида бепул таҳсил олиш имкониятига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу каби ҳамкорликдаги ташаббуслар иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаш ҳамда уларга мотивация беришда муҳим аҳамият касб этади.

М. КОМИЛОВА, Ўза

✓ КОНСТИТУЦИЯ ХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ЯНГИЛАНАЁТГАН ДУНЁ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ

Таҳлилчилар XXI асрда бутун дунёда 90 га яқин давлат ўз конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритганини, 57 та давлат бутунлай янги конституция қабул қилганини таъкидлашяпти. Бу эса Конституциянинг замон ўзгаришларига мослаштирилиши табиий ҳол эканини англатади.

Маълумки, демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро ўз ҳаётини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияга ўз ҳаёт тарзи, иш фаолиятида ҳуқуқ ва эркинликларини бевоқифа қафолатлаб берувчи Бош Қонун сифатида қарайди. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам демократик қадриятларга бирламчи эътибор қаратила бошланди, инсон қадр, шаъни ва ҳуқуқлари олий қадриятга айланяпти.

Ўзбекистондаги бундай ташаббуслар БМТ томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилди. Энг асосийси, инсоннинг

ҳуқуқ ва манфаатлари қоғозда эмас, амалда ҳимоя қилина бошланди. Хусусан, афв институти ташкил этилди, судлар либераллаштирилмоқда. Кейинги йилларда бағрикенглик ва инсонпарварлик намунаси сифатида Президент фармонлари асосида ўз қилмишларига чин дилдан пушаймон бўлган шахслар озодликка чиқариляпти. Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарт бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш масаласи ҳам ҳал этилди. Жамиятда сўз ва фикр эркинлиги таъминланиб, оммавий ахборот воситалари жамият кўзгусига айланяпти. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бундай улкан қарордаги ишлар эса ҳуқуқий асосни, яъни Бош Қомусимизнинг такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Халқимиз муҳокамасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳаси шунинг учун ҳам бирон-бир юртдошимизни бефарқ қолдирмаяпти.

Суннатилло РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра
бошлиғи ўринбосари, ҳарбий
фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), подполковник
Лазиз АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра
ўқитувчиси, майор



Ҳикмат

ҚўШНИЛАР НЕГА БАХТЛИ ЯШАЯПТИ?

Икки қўшни уйларида икки оила яшарди. Бирида доимо жанжал, бошқасида сокинлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Бир куни олдинги уйдаги хотин қўшниникидаги тинчликка ҳасад қилиб, эрига айтди:
– Бориб қарангчи, нима қилишяптики, уларникида ҳамиша осойишталик. Эр қўшниларикига ўтиб уйдаги аҳволни кузатибди: аёл пол ювяпти, эри ташқаридан келаяпти. Хотини ошхонага шошилди, эр сув тула челакни кўрмади, унга қоқилди, сув тукилди. Аёл шошиб келиб эридан кечирим сўради:
– Кечиринг, азизим, мен айбдорман.
– Йўқ, сен мени кечир, айбдор ўзимман.
Бундан кузатиб турган қўшни эркак лол бўлди ва уйига келди. Уйда хотини ундан сўради:
– Хўш, билдингизми?
– Ҳа, билдим: Бизда ҲАММА ҲАК, уларда ҲАММА АИБДОР экан.

“Ҳикматлар жавоҳири” китобидан.



Рауф КАРФИ

ТУРКИСТОН ЁДИ

Нақадар узундир, оғирдир бу йўл,
Далалар ястаниб ётар кўк каби.
Тиглар хотирамни осмон — чеки йўқ,
Тизгинсиз бу шиддат кенглик асаби.

Бу кенгликда ўйлар мени ғижимлар,
Ул ўз қофиясин судраб келади.
Қанча қочсанг шунча қилгай ҳужумлар,
Ўқ сингари хотирамни тилади.

Теграмда зич ҳаво — она Туркистон,
Ўргай томиримни кўр ҳаяжоним.
Бу майдон ичинда мен тўкмаган қон,
Менинг уни дея аяган жоним.

Яна йироқларга чорлайдир мозий,
Ватан тушунчаси келар етаклаб
Айрилган, хўрланган улус овозин,
Шоирнинг бешиги айтар эртаклар.

Яссавий мақбари мунғаймиш мағрур,
Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги.
«Дунё менинг деганлар...» Нидо келур.
«Каркас қушдек...» Қадим сўзлар жаранги.

«Ёлғон даъво қилганлар...» Сўзлар шоир.
«Оқни қаро деганлар...» Айтинг, кимлар?!
Мақбара бошимга йиқилар ҳозир,
Яна товуш: «Ҳаром еган ҳокимлар...».

Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,
Симлар — қўзларимга мил тортган чизгу.
Ўтган улугларни эслайман барин,
Хотирот мазори — Туркистон мангу.

Кеча содиқ ўғлинг ўтди дунёдан,
Сахий инсон эди, у шоир эди.
Санчилик яшайди бир умр ёдда,
Кетаётиб, мен йиғлаб, бўлдим, деди.

Йиғла энди кўзим, сен-да йиғлаб ол,
Тўйсин кўз ёшинга бу туркий ситам.
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол,
О, сабр дарахти, қутлуг Туркистон!

✓ Ҳамкорлик

ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Корея Республикасининг Тошкент шаҳридаги Аджу университети ўртасида кадрлар тайёрлаш соҳасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумида бу каби бир қатор масалалар қамраб олинган.

Вазирлик матбуот хизматининг берган маълумотида кўра, умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш, вазирлик ва унинг тизим ташкилотларининг мутахассисларга бўлган талаби асосида Аджу университети билан келишилган ҳолда кадрларни тайёрлашни босқичма-босқич жорий этади. Университетнинг тегишли таълим йўналишлари бўйича талабаларни 2-босқичдан бошлаб вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида малакавий амалиёт ўтказилади ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик қилинади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур олий ўқув даргоҳи Президентимиз-

нинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида Аджу университети ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган. Икки ташкилот ўртасидаги имзоланган ушбу меморандум томонларни ҳамкорлик қилиш билан бир қаторда келгуси режаларни тузишга ҳам имконият яратади.

– Вазирлик томонидан электротехника ва компьютер инжиниринг соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмалар шакллантирилади. Шунингдек, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот




салоҳияти ва фаолиятдан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантиришга кўмаклашади. Амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида таълим назарий билим ва ўзгаришлар билан ўртоқлашиш мақсадида университет профессор-ўқитувчилари вазирликка жалб қилинади.

Ҳамкорликни ривожлантириб бориш жараёнида иқтидорли ва ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож талабаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар йўлга қўйилади, – деди энергетика вазирининг

ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби Эльмира Бекмуродова. Маълумот ўрнида, Аджу университети Жанубий Кореянинг хусусий ва етакчи муҳандислик университети ҳисобланади. Мазкур олий ўқув даргоҳи ўзининг инновацион халқаро дастурлари, шу жумладан, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви, халқаро ёзги мактаб, корейс тили дастури ва чет эллик талабаларни фаол қўллаб-қувватлаши билан танилган. Университет 200 та мамлакатнинг 58 дан ортиқ университети билан ҳамкорлик қилади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА

✓ Ҳикмат



ЯХШИ ИМКОНИЯТ ҚИЙИНЧИЛИК ВА МУАММОЛАР ОРАСИДА БЕРКИНИБ ЁТАДИ

Альберт ЭЙНШТЕЙН

✓ Халқаро ҳаёт

ИТАЛИЯДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Италиянинг Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана мамлакатда рўй бераётган кучли қурғоқчилик туфайли ушбу минтақада фавқулодда ҳолат эълон қилингани тўғрисида маълумот берди. “ANSA” нашри хабар беришича, Италия сўнгги 70 йилдаги энг ёмон қурғоқчиликни бошдан кечирмоқда. Ёгингарчилик миқдори сўнгги 30 йилдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баравар камайган. Марказий ва жанубий вилоятларда сув танқислиги кузатилаётгани инқирозга сабаб бўлмоқда. – Ломбардия тарихида ҳеч қачон бундай инқироз бўлмаганди, – дея

таъкидлаган губернатор А.Фонтана. Маҳаллий ҳокимият органлари киритилган қарор бўйича фуқароларни “сувдан жуда тежамкор, барқарор ва самарали фойдаланишга, истеъмолни талаб қилинадиган даражада чеклашга” чақирмоқда. Шу муносабат билан Милан ҳукумати дам олиш кунлари фаввораларни ўчириб қўётганини маълум қилди. Фуқаролик муҳофаази департаменти раҳбари Фабрицио Курчионинг айтишича, мамлакатдаги энг узун По дарёси сув ҳажми 80 фоизга қисқарган. Ёгингарчилик даражаси сўнгги йиллардаги ўртача даражага нисбатан 40-50 фоизга камайган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



«Миллий тикланиш» демократик партияси адабиётшунос олим, забардаст Навоийшунос Иброҳим Ҳаққулнинг вафоти нафақат адабиёт аҳли, балки бутун халқимиз учун жуда катта йўқотиш деб ҳисоблайди. Биз минг-минглаб партиядошларимиз номидан устознинг оила аъзолари ва барча яқинларига ўз ҳамдардлигимизни билдириб қоламиз.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баходир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одиқлон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максул Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОВЕВ,
Равшан МАХМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафталик чоршанба кунини чиқади.
Адаби – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 616
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 7:10

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714